

КИТОБДА ИЛЛЮСТРАЦИЯНИНГ ЎРНИ



Носир Ҳусанов

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-02-04>

Аннотация: Ушбу мақолада “Китобда иллюстрацияниг ўрни” бу санъати. Қадимги. Миср, Рим, Юнонистон ва Ўрта Осиёда кишилар тош, палма дарахти барглари, сопол ва бошқа материалларга ёзиб фикр алмашганлар. Ҳар бир китоб ўнлаб шундай материаллардан тайёрланган плиталардан иборат бўлиб, оғирлиги бир неча кг. бўлган. Ёзув материали сифатида папирус ўсимлиги ишлатилиши (милоддан аввалги 4-3 минг йилликларда) билан ўрама китоблар пайдо бўлди. Иллюстрация-бу китоб, журнал ёки бошқа ҳар қандай нашрнинг ташқи элементи бўлиб, унинг ички ва ташқи саҳифаларини безайди ва кўпинча реклама ва ахборот воситаси вазифасини бажариши ҳақида сўз боради

Калит сўзлар: Дидактик, графика, пергамент, репродукция, папирус, эстамп, контраст, фотомонтаж, ксилография.

Аннотация: в этой статье речь пойдет о "месте иллюстрации в книге". Старый. В Египте, Риме, Греции и Центральной Азии люди обменивались мнениями, делая надписи на камне, пальмовых листьях, керамике и других материалах. Каждая книга состоит из дюжины пластин, изготовленных из таких материалов, весом в несколько килограммов. С использованием папируса в качестве материала для письма (в 4-3 тысячелетии до нашей эры) появились свитки. Иллюстрация - это внешний элемент книги, журнала или любого другого издания, украшающий его внутренние и наружные страницы и часто относящийся к его функции рекламного и информационного носителя.

Ключевые слова: дидактика, графика, пергамент, репродукция, папирус, эстампы, контраст, фотомонтаж, ксилография.

Abstract: This article will focus on "the place of illustration in a book." Old. In Egypt, Rome, Greece, and Central Asia, people exchanged opinions by making inscriptions on stone, palm leaves, ceramics, and other materials. Each book consists of a dozen plates made of such materials, weighing several kilograms. With the use of papyrus as a writing material (in the 4th-3rd millennium BC), scrolls appeared. An illustration is an external element of a book, magazine, or any other publication that decorates its interior and exterior pages and often refers to its function as an advertising and informational medium.

Keywords: didactics, graphics, parchment, reproduction, papyrus, prints, contrast, photomontage, woodcut.

Китобда иллюстрацияниг ўрни.

Китобнинг пайдо бўлиш тарихи ёзувнинг яратилиши ва шаклланиши жараёни билан узвий боғлиқ. Ёзувнинг тўзилиш хусусиятлари (белгилар тизими, уларнинг жойлашиш тартиби), ёзув материали ва қуролининг ўзига хос томони ва бошқа маълум даражада китоб тузилишини ҳам белгилаб берди. Қадимги. Миср, Рим, Юнонистон ва Ўрта Осиёда кишилар тош, палма дарахти барглари, сопол ва бошқа материалларга ёзиб фикр алмашганлар. Ҳар бир китоб ўнлаб шундай материаллардан тайёрланган плиталардан иборат бўлиб, оғирлиги бир неча кг. бўлган. Ёзув материали сифатида папирус ўсимлиги ишлатилиши (милоддан аввалги 4-3 минг йилликларда) билан ўрама китоблар пайдо бўлди.

Бундай китобларнинг ўзунлиги ўртача 10 м атрофида бўлиб, ингичка, юмалоқ таёқларга ўралган ва маҳсус чарм ёки ёғоч ғилофларда сақланган. Шарқ мамлакатлари, Қадимги - Рим ва Юнонистондаги кўпгина нодир асарлар папирусга битилган. Милоддан аввалги II - асрга келиб китоб материали сифатида пергамент (тери)дан фойдаланиш кенг тарқалди. Дастваб бундай китоб ўрама холда сақланган. Айрим маълумотларга Қараганда, Ўрта Осиёда, хусусан, Хоразмда милоддан аввалги 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган зардўшийлик динининг муқаддас китобларидан Авестонинг қадимги нусхаси ҳам 12 минг қора мол терисига битилган. Арабларнинг Ўрта Осиёдаги истилосига қадар (VIII-X-асрлар) у ерда кўп нодир Китоблар сақланган кутубхоналар бўлган. Лекин уларнинг кўпи босқинчилик урушлари натижасида йўқотиб юборилган. II-IV-асрлардан бошлаб Қадимги Римда худди ҳозирги китобларнинг варақалари сингари буклаб, тикиб тайёрланган ва бирбирига бириктирилган, муқовали китоблар – кодекс пайдо бўлди. Улар дастваб папирус, сўнг пергаментга ёзилган. Бундай китоблар оғир ва бесунақай эди. 6-асрдан бошлаб кодекс шакли асосида ҳозирги кўринишдаги китоблар пайдо бўлди. Терига ишланган ноёб китоблардан бири – Мусулмон ҳафи Усмон Куръонидир. Куръони каримнинг бу нусхаси 644-656 йилларда халифа Усмон кўрсатмаси билан Мухаммад (сав)нинг котиблари Зайд ибн Собит, Амир ибн алўс ва Хишом ибн Ҳакимлар томонидан куфий хатида ёзилган. Мазкур кўлёзма китоб Амир Темур томонидан Самарқандга олиб келинган. Жами 353 варак, ҳажми 68x53x22 см. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади. Қоғознинг кашф қилиниши китоб тарихида янги давр очди.[1]

Иллюстрация (лот. иллустратио - ёритиш, кўргазмали тасвирий санъатнинг адабий асар (китоб, журнал, газета) нинг образли талқини билан боғлиқ соҳа ҳисобланади. Матнга қўшимча тарзда унинг мазмунини образли ёритишга, тўлдиришга хизмат қиласи. Илк кўлёзма китоблар пайдо бўлган даврларда юзага келган. Дастваб кўлёзмалар миниатюралар билан безатилган, китоб нашр этиш ва ксилографиянинг юзага келиши иллюстрацияни график етакчи соҳасига айлантириди.



Қадимги ёғоч кесии китобга Хитойда (ксилография босилган)

Қадимги Хитойда ёғоч ўйиш орқали китобга босма босилган Хитойда VI-VII - асрларда даствабки ксилографияга оид иллюстрация XVI - аср охирида рангли гравюра юзага келган. Японияда китоб графикаси XVII - аср бошлари- да пайдо бўлган, гуллаб яшнаган даври XVIII - XIX - аср бошларига тўғри келади.[2]



Япониядаги китоб ҳунармандлар XVI – XVII асрларда.

Европада (XV-аср) иллюстрация миниатюра санъати билан узвий боғлиқ бўлган, диний, дидактик, кейинчалик инсонпарвар ғояларни тарқатувчи воси- тага айланган. XVI-аср охирига келиб иллюстрация мустақил композицияга айланди, алоҳида вараққа ишланиб, матн орасига ёпиштирилган бўлади.



Францияда нашир қилинган, XV асрнинг охирги.

Европада (XV-аср) иллюстрация миниатюра санъати билан узвий боғлиқ бўлган, диний, дидактик, кейинчалик инсонпарвар ғояларни тарқатувчи воси- тага айланган. XVI - аср охирига келиб иллюстрация мустақил композицияга айланди, алоҳида вараққа ишланиб, матн орасига чизилган.




Китобнинг иллюстсияси.

XVIII - асрда иллюстрация билан китобнинг алоқаси мустаҳкамланди, рангбаранглиги ортди, усул ва услублари кенгайди, туркум безаклар яратиш қоидалари ривожланди. XVIII - XIX - асрлар чегарасида тасвирий восита - қўндаланг, кесмали гравюра ва тошбосма юзага келди; XIX - аср учун тугалланган иллюстрация - алоҳида ва рақлардаги композициялар ҳамда матндаги енгил чизгилар хос бўлди. XX- асрга келиб рассомлар бир адабий матнга турлича ёндошиб, уни турлича талқин эта бошлидилар.[3]



Эрик Булатов ва Олег Василев “Ухлаб ётган гўзал” қиз.

XX-аср 20-йилларидан иллюстрация ғоявий ва эстетик тарбия воситаларидан бири сифатида муҳим рол ўйнади, техник имкониятлари кенгайди, ксилография, расм тараққий этди, фотомонтаж юзага келди, иллюстрация хусусиятлари намоён бўлди, китоб ва иллюстрация бирлиги кучайди, болалар китоби иллюстрацияси ривожланди. Кўп ва рақли туркumlарни яратилиши иллюстрацияни дастгоҳли графика билан яқинлаштириди. Шарқда, жумладан ўзбек санъатида иллюстрация ишлаш қадимдан мавжуд бўлган. Ўрта асрларда классик шоирларнинг асарларига иллюстрация ишлаш кенг тарқалган.




К.Бекзод-ХусейнБайқара, Мачит қурлиши ва Жалаиррид давридағы миниатюралари.

Камолиддин Бекзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Мурод Самарқандий ва бошқалар моҳир рассомлар шу соҳада самарали ижод қилиб, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа классик шоирларнинг асарларини нафис миниатюралари билан безалган. Бироқ ўзбек иллюстрациясининг ҳақиқий ривожланиши XX-асрга түғри келади. Бу даврда ўзбек иллюстрацияси услуга ва усул жиҳатидан бойиди, тур ва жанрлари кенгайди. Усто Мўмин (А. Николаев), В.Кайдалов, Л. Абдуллаев, В. Кедрин, Ч. Аҳмаров, И. Икромов, Қ. Башаров ва бошқа рассомлар шу соҳада самарали ижод қилишганди.



В.Кайдалов А.Навоий “Фарход ва Ширин” Қ.Башаров “Нодира”.

Ўзбекистонлик рассомлар бадиий, сиёсий ва болалар адабиёти асарларининг замонавий ва гўзал безалишига самарали ҳисса қўшмоқда. Илмий назарий матн (мақола, китоб ва рисола) ларнинг мазмунини образли ёритадиган, маъruzаларда фикрни тасаввур қилишга ёрдам берадиган қўргазмали тасвиirlар (репродуксия, фотосуратлар, турли чизмалар) ҳам иллюстрация деб аталади.




Ўзбек халқ әртагига иллюстрация.

Мазкур йўналишда бир неча рассом томонидан ишланган иллюстрация- ларни киёсий ўрганиш яхши самара беради. Масалан, Телман Мухамедов ҳамда Абдубоқи Гуломовларнинг "Ўзбек халқ әртаклари" ҳамда "Афанди латифалари" асарларига ишланган туркум иллюстрацияларни киёсий-таҳлилий ўрганиш (методи) услуби асосида ўқувчиларда иллюстратор



Ўзбек халқ әртагига иллюстрация.

рассомларнинг ижодий индивидуаллигини очиб бериш, тавсифлаш малака- лари шакллантиришга сабаб бўлади. Бундай мисолларни жаҳон тасвирий санъати, китоб иллюстарцияларидан мисол тариқасида ҳам кўплаб келти- риш мумкин.



Машҳур испан ёзувчиси Сервантеснинг "Донкихот" асарига.

Машҳур испан ёзувчиси Сервантеснинг "Дон ки хот" асарига турли замонларда турли рассомлар (Хосе дел Костиль - VIII-аср; Гюстав Доре ва Оноре Доме - XIX-аср; Хегенбарт, Кукринискилар, Пабло Пикассо - XX-аср) томонидан ишланган иллюстрациялар бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, Шарқ тасвирий санъатида бир асарга бир неча мусаввирлар томонидан турли даврларда ишланган миниатюра иллюстрациялар ҳам қиёсий таҳлил учун муҳим манбаа сифатида иллюстратив расм ишлаш дарсларининг дидактик имкониятларини бойитади.



Махмуд Фаришчайян Эрон рассоми.

Иллюстрациялар матн ёрдамида тасвиrlаш қийин бўлган мураккаб тушунчаларни ёки обьектларни аниқлаштириш учун ишлатилади, бу болалар китобларида расмларнинг кўп бўлишига сабаб бўлади, шунингдек реклама, табрикномалар, плакатлар, китоблар, график романлар, ҳикоялар таҳтаси, журналлар ва газеталарда ишлатилиши мумкин. Иллюстрация тасвирий санъат ва график дизайн чегарасида жойлашган, чунки у санъат воситалари ва усулларидан фойдаланган ҳолда лойиҳа ғоясига бўйсунади. Агар иллюстрация дастлаб кенг қўлланилган бўлса ва ҳанузгача китобларда, журналларда ва рекламаларда қўлланилса, замонавий дунёда компьютер ўйинлари ва комиксларга бўлган қизиқишининг ортиши натижасида иллюстрациянинг аҳамияти ва қўлланилиши ортиб бормоқда. Кичик тасвиrlар матннинг асосий ғоясини ўқувчига тезда етказиши ва визуал метафора вазифасини бажариши мумкин ва кўпинча расм яратиш учун академик расмга эга бўлиш ёки маҳсус техникага риоя қилиш шарт эмас.

Замонавий болалар иллюстрацияси Бироқ, қатор ёрқин, юқори бадиий нашрлар билан бирга, ўқувчи ёш хусусиятларини ҳисобга олмаган, бепарволик, номувофиқлик билан бажарилган дизайнли ва бир қатор қизиқарли бўлмаган китоблар ҳам нашр қилинган. Иллюстрацияларнинг тўлдирувчи вазифаси - тасвиrlинг матн ҳақидаги тушунчани кенгайтириши, бирор қисмни бутун чегаралар доирасида кўрсатиш ёки аксинча, бутунини бутловчи қисмлар сифатида ифодалаш қобилиятига боғлиқ.

Китоб мазмунини идрок этишда иллюстрация шу кадар аҳамиятлики, баъзан китоб матнни ёзиш билан эмас, балки иллюстрация тайёрлаш билан бошланади. Китобнинг иллюстратори матнни шарҳлаш заруриятига дуч келади ва у тасвиrlаган иллюстрацияга қараб китоб матнини яхшироқ тушуниш имконияти деб таъкидлаш мумкин.

Болалар китобларига ишланган иллюстрацияларнинг болаларга беради- ган кайфият энг муҳими ҳисобланади. Асар ёки эртак қаҳрамонларининг ғамгин, кулгили, истеҳзоли, жиддий кайфиятлари иллюстрациялар орқали осонгина идрок этилиб, китобхонга у ёки бу қаҳрамонга қандай муносабатда бўлишни кўрсатиб туради. Маълумки, кичик мактаб ёшидаги болалар эртак мазмунини иллюстрациясиз тўлиқ тушунмайдилар. Болалар китобларига чизилган иллюстрациялар ўқувчининг эртак ёки масал мазмунини нозик

тушуниш учун ёрдам бериши мумкин. Болалар учун иллюстрациялар тайёрлашда болаларни яхшилаб ўрганиш ва уларга эҳтиёткорона эътибор беришни талаб қилади. Иллюстрацияларни нашрга тайёрлашдан олдин рассом асарни тўлиқ ўқиб чиқиши керак.

Рассом ва муҳаррир биргаликда тасвирлаш ғоясини ишлаб чиқади: иллюстрация ва турли безак элементлари ёрдамида асар мавзуси ва ғояси акс эттирилади. Кейин иллюстрациялар сонини аниқлаш керак. Боланинг ёши қанча кичик бўлса, шунча кўп тасвир бўлиши керак. Масалан мактабгача ёшдаги болалар учун-расм китоблар ва визуал нашрлар назарда тутилмоқда. Бошлангич синф ўқувчилари хилма-хилликни ёқтиради. Иллюстрациялар ишлашда асосий белгилар, атрофмуҳит (шахар, қишлоқ, хона, ва бошқалар)га эътибор қаратиш керак. Матн ва иллюстрация ўзаро алоқада бўлиши керак. Ёш ўқувчилар учун ёзилган асарларда иллюстрациялар барча белгилар асосида чизилган бўлиши керак. Катта одамлар учун иллюстрациялар умумлаштирилиши мумкин, барча белгиларга алоҳида эътибор бериб тасвирланиши шарт. Ўша вақтдан бери ҳозиргacha болалар нафақат алифбодан, балки расмлардан ҳам ўргана бошладилар. Шундай қилиб болалар учун нашрларнинг алоҳида нашрлар тўплами сифатида шаклланишида иллюстрациянинг ўрни бекиёс, чунки иллюстрация туфайли болалар учун китоб маҳсус бадиий тузилма сифатида қарала бошлади.

Асл воқейликни акс эттириш муҳим аҳамиятга эга. Болалар учун нашр қилинаётган китоб тўплам бўлса ҳам, бетартиб бўлмаслиги учун иллюстрацилар битта рассом томонидан тайёрланиши таъминланишига ҳаракат қилишимиз керак. Муҳаррир тасвирни-ранглар схемасининг реализмини, шаклларнинг хаққоний эканлигини баҳолай олиши керак. Ёш болалар учун тасвиринг асосий қисмига ургу бериш керак. Асосий унсурлар атрофида бўшлиқ бўлиши керак. Кичик ёшдаги ўқувчига асосий нарса ажратиб кўрсатилмас экан-ҳамма нарса унинг учун муҳим бўлиб кўринади ва асосий мазмундан чалғиб кетади. Биринчи ёки иккинчи режадаги белгилар ва умуман атрофдагилар бўлиши керак. Биринчи навбатда биз ғояга эътибор қаратишимиш лозим - эртакда еттига эчки бор дейилса, тасвирда еттига эчки бўлиши керак. Шундагина биз ўқувчини ишонтира оламиз.

Хулоса сифатида шуни айтиш мункунки китобга ишланган иллюстрация- нинг ўрни бекиёс, чунки хар қандай ёшдаги ўқувчи бўлмасин аввалом бор янги чиқсан китобнинг ўқишдан олдин унга ишланган иллюстрациялари билан танишиб чиқади ва ёзилган асарга ишланган тасвирлар қанчалик профессианал муккамал даражада ишланган бўлса ўқувчини асарга нисбатан ўқишига бўлган иштиёқини икки мартта оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент. ...
2. История развития книжной иллюстрации. [Электронный ресурс]. URL: <https://studfile.net/preview/3963151/page:4/> (дата обращения: 06.01.2024).
3. Книжная иллюстрация. [Электронный ресурс]. URL: https://spravochnick.ru/dizayn/knizhnaya_illyustraciya/(дата обращения: 06.0.2024).
4. Методика выполнения иллюстрации литературных произведений на уроках изобразительного искусства. [Электронный ресурс]. URL: <https://portalstudenta.ru/files/orders/13415/file/noskov.pdf>(дата обращения: 05.01.2024)